

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 16-aprel, payshanba

16 (9388)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ҲАМДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 апрель куни уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда жойлардаги студиялардан видеоалоқа орқали 500 дан зиёд тадбиркор, қурувчи, лойиҳачи, архитектор ва шаҳарсозлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари барча тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш бўйича белгиланган катта марраларга эришишда қурилиш соҳаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Таҳлилларга кўра, қурилишга киритилган ҳар 1 доллар иқтисодиётга 2-3 долларлик самара келтиради, соҳада яратилган битта иш ўрни эса бошқа тармоқларда яна 5 тагача иш ўрнининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда қарийб 10 мингта янги қурилиш корхонаси иш бошлади. Айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 20 та, 100 миллиард сўмдан юқори кўрсаткичга чиққан 365 та йирик компания шаклланди. Лойиҳа ташкилотлари сони 2 мингдан ошиб, уларнинг 650 дан зиёди халқаро сертификат олди.

Шу даврда қурилиш соҳасида руҳсат бериш босқичлари 3 қарра, муддатлар 4 қарра қисқартирилди. 420 та шаҳарсозлик норма ҳамда қоидалари бирлаштирилиб, эскилари бекор қилинди ва 140 та янги норма ва қоида тасдиқланди.

Натижада ўтган йиллар мобайнида 210 миллион квадрат метр бино-иншоот, 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йили 314 триллион сўмга етди. Бугун қурилиш, қурилиш материаллари ва уларга ёндош соҳаларда 3,5 миллион аҳоли банд.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик учун ҳар йили 6,5 минг гектар ер, 600 минг квадрат метр бино-иншоотлар савдога чиқарилмоқда, кичик ва ўрта бизнес учун 140 триллион сўм ресурс ажратилмоқда. Лекин ер ва кредит каби асосий масалалар ҳал этилган бўлса-да, тадбиркорлар қурилишни бошлаш босқичида ҳалигача турли тўсиқларга дуч келмоқда, бу жараёнлар оилаб-йиллаб чўзилмоқда.

Йиғилишда урбанизация масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошиб, урбанизация даражаси 51 фоизга етган, қарийб 20 миллион нафар аҳоли шаҳарларда яшамоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЖАВОҲИР СИНДОРОВ МУДДАТИДАН АВВАЛ НОМЗОДЛАР ТУРНИРИ ҒОЛИБИ!

Кипрда поёнига етиб бораётган Номзодлар турнирининг 13-турида қора доналарда ҳаракатланган Жавоҳир Синдоров энг асосий таъкибчиси нидерландиялик Аниш Гири билан 13-турда дурангга эришди ва муддатидан аввал турнир ғолибига айланди.

Бу, Жавоҳир Синдоровнинг амалдаги Жаҳон чемпиони Гукеш Доммараджуга қарши шахмат тожи учун курашиш ҳуқуқига ҳақли тарзда эга чиққанлигини аниқламоқда.

Жавоҳирнинг ушбу муваффақияти, Номзодлар турнирида ўрнатган алоҳида кўрсаткичлари, рекордлари ўзбек шахмати тимсолида мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти нечоғли юксалигини дунё аҳлига яна бир қарра ёрқин намоён этди.

Олдинда Номзодлар турнирининг сўнгги 14-тур ўйинлари бўлишига қарамадан Жавоҳирнинг муддатидан олдин муваффақиятга эришганлиги халқимиз ақл-тафаккурининг халқаро майдондаги муҳим ютуғи, ғалабаси сифатида эътирофга арзигулик тарихий воқелик бўлди.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Жомбой тумани Бешбола маҳалласи Бой тўпи қишлоғида яшовчи 81 ёшли Уринбой бобо Авазов ўз боғини кўздан кечирмоқда. Раббим ҲОТАМОВ олган суратлар.

Халқаро ишонч ва янги молиявий модель:

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АГРАР ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон аграр сектори туб ўзгаришлар босқичига кириб, замонавий технологиялар ва самарали молиялаштириш механизмларига асосланган янги ривожланиш моделига ўтмоқда.

Ушбу жараёнда халқаро молия институтлари ва йирик техника ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим стратегик йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Ана шундай муҳим қадамлардан бири сифатида “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ҳамда “John Deere finance” ўртасида 10 миллион евро миқдорда кўра оддий молиявий битим эмас, балки тизимли ўзгаришларнинг амалий ифодасидир. Энг аввало, у жамият тарихида тўғридан-тўғри, давлат кафолатисиз жалб қилинган илк халқаро инвестицион ресурс сифатида қайд этилмоқда. Бу эса миллий лизинг тизимининг бозор тамойиллари асосида ишлашга ўтаётганини ва халқаро молия бозорларида ишончли ҳамкор сифатида шаклланиётганини аниқлатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарориди белгиланган вазифалар – хорижий молиявий ресурсларни тўғридан-тўғри жалб этиш, аграр соҳада самарадорликни ошириш ва техник янгилишни



жадаллаштириш айнан мана шундай лойиҳалар орқали ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, 2025 йилдан буён олиб борилган тизимли музокаралар натижасида узоқ муддатли молиялаштириш линиясини очиб бўйича келишувга эришилди. Бу эса қисқа муддатли эмас, балки барқарор ва стратегик ривожланишга хизмат қилувчи молиявий модель шаклланиётганини кўрсатади. Ажратиладиган маблағлар юқори самарадорликка эга замонавий ҳайдов тракторларини харид қилишга йўнал-

тирлади. Ушбу техникалар лизинг асосида фермер хўжалиқларига етказиб берилади. Натижада, фермерлар учун катта миқдордаги бошланғич инвестиция талаб этилмайди, техник янгилини эса тезлашади.

Таҳлилий нуқтаи назардан қараганда, бу модель бир нечта устуниқларни таъминлайди. Биринчидан, давлат бюджетига тушадиган юк камайд, чунки молиялаштириш тўғридан-тўғри жалб этилмоқда. Иккинчидан, хусусий сектор ва бозор механизмларининг роли кучаяди. Учунчидан, халқаро молия институтлари билан ишлаш тажрибаси ортиб, бу келгусида янада йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур келишув “John Deere” билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу нафақат техника етказиб бериш, балки сервис хизматлари, эҳтиёт қисмлар таъминоти ва технологик билимлар трансферини ҳам ўз ичига олади. Мазкур жараёнлар Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмоновнинг халқаро таширфлари давомида имзоланган 300 миллион долларлик йирик битимлар доирасида амалга



оширилаётгани эса бу ишларнинг тизимли ва узоқ муддатли стратегияга асосланганини кўрсатади. Бугунги кунда “Ўзагролизинг” АЖ нафақат техника етказиб берувчи ташкилот, балки аграр секторни модернизация қилувчи молиявий ва технологик платформага айланиб бормоқда. Айниқса, давлат кафолатисиз халқаро ресурсларни жалб этиш тажрибаси жамият фаолиятида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Хулоса қилиб айтганда, ушбу келишув Ўзбекистон аграр сифосининг янги моделини – очик, бозорга йўналтирилган ва халқаро интеграцияга таянган ривожланиш йўлини яққол намоён этади. Энг муҳими, бу халқаро молия институтларининг юртимиздаги ислоҳотларга бўлган ишончи ортиб бораётганининг амалий далилидир.

Сарвиноз МИРЗАЕВА,
“Ўзагролизинг” АЖ
ахборот хизмати раҳбари.

Ният

Ер шарининг учдан бир қисми
Турганида бобом қўлида.
Не бир шоҳлар қалтираб жисми
Бош эгдилар унинг йўлида.

Шахматда ҳам шоҳ эди Темур,
Кетган омад қайтмоғи ҳам бор...
Жаҳон тожин бошинга юртим
Кийгилади Жавоҳир Синдар!

Олам, тинч бўл! Олам, тургин тик!
Тўхтамасин заковат жанги...
Даҳоликка даввогар ўзбек
Ўзгарттирар дунёнинг рангин.

Қурашади оқ-қора очун,
Ўнгу сўлда учар адоват.
Икки ранга бўлиниб нечун
Гул баргида титрайди ҳаёт?!

...Дилга тушди чакмоқлар шахди,
Ўйгонмоқда улўғлар ёди!
Дунё, йўл бер! Ғалаба аҳди
От сурмоқда Темур авлоди.

Олам қотди вақт эммониди:
“Бу ўғлонни тўхтаптар қай зот?!”
Аждодларим унинг қонида
Зафар ўтин ёқмоқдалар шод!

Ҳаёт – шахмат! Йўли оқ-қора!
Гоҳо титрар ҳовучда жоним...
Парвардигор, шу йўлар аро
Ғолиб ўтсин Ўзбекистоним!

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Бугдой етиштиришнинг ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ғалла экинлари дунёдаги қишлоқ хўжалиги ерларининг 14 фоизиди етиштирилади, дон маҳсулотлари эса озиқ-овқат савдосининг 50 фоизини ташкил этади. Шунга қарамай, бугдой маҳсулотларига бўлган талаб катта. Жаҳон тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда дунёда йилга 760 млн. тонна бугдой дони ишлаб чиқарилмоқда ва 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 850 миллион тоннагача ошиши кутилмоқда.

Албатта, бу соҳавий талабдан кўра кўпроқ дунё аҳолисининг ўсиши билан узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, бугдой жаҳон қишлоқ хўжалигида ўта муҳим озиқ-овқат экинни ҳисобланади. Одатда, бугдой дони таркибида оқсил ва клейковина мавжуд бўлиб, улар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Дон таркибидаги оқсил ва клейковина бугдой сифатининг асосий кўрсаткичларидир. Олимларнинг таъкидлашича, клейковина биокимёвий модда сифатида хамирнинг, лапшанинг ва ёпилган ноннинг чўзилувчанлиги ҳамда эластиклигини белгилайди. Бугдой донининг биокимёвий тузилиши жуда ўзгариб боради. Оқсил, клейковина, микроэлементлар, витаминлар, пигментлар ва ферментлар каби таркибий қисмлар оқил, тупроқ, қўлланаладиган ўғитлар, агротехника ва экиладиган навларга қараб осон ўзгаради. Жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ, бугдой дони таркибидаги оқсил миқдори 13,5 фоиздан кам бўлмашлиги керак. Оқсил миқдори ушбу доннинг қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга яроқлилигини белгилайди. Масалан, нон ёпиш учун 14-15 фоиз оқсил талаб этилса, лапша (макарон) тайёрлаш учун бу кўрсаткич 17-18 фоиз бўлиши лозим. Бугдой дони инсоннинг кунлик озуқа рационининг 50 фоизини таъминловчи асосий оқсил манбаи бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ҲАМДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари урбанизация даражасининг ҳар 1 фоизга ўсиши иқтисодиётга камида 1 фоиз қўшимча ўсиш олиб келишини, инвестиция оқими, бизнес ва стартаплар фаоллиги, меҳнат унумдорлиги шунга мутаносиб равишда ортишини таъкидлади. Шу боис, республикада урбанизацияни барқарор ривожлантириш бўйича ягона ёндашув бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, бош режаларни ишлаб чиқиш учун бюджетдан йилга 200-250 миллиард сўм ажратилмоқда. Мазкур маблағлар, аввало, бош режага йўқ ёки эскирган ҳудудларга йўналтирилиши лозим. Айни пайтда кичик шаҳар ва шаҳарчаларда ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорлар кўп, аммо шаҳарсозлик ҳужжатлари йўқлиги тўғрисида уларнинг ишлари тўхтаб қолмоқда.

Вилоят ҳокимлари ва Урбанизация қўмитасига жорий йилнинг ўзида бюджет маблағлари ҳисобидан 6 та шаҳар ва 44 та шаҳарча бўйича бош режаларни, 104 та қишлоқ бўйича мастер-режаларни яқунлаш, бундан ташқари, ташаббускор тадбиркорлар билан бирга яна 50 та аҳоли пункти учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни бошлаш топширилди.

Йилнинг боши режа йўқлиги вази билан 2025 йилда ерни хусусийлаштириш бўйича 112 минг аризанинг 14 фоизи рад этилгани, бу эса 4 минг гектар ерни активга айлантириш имконияти ва бюджет учун қўшимча 550 миллиард сўм тушумни бой беришга сабаб бўлгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан

корларнинг фикри олдиндан ўрганилмаётгани танқид қилинди. Аслида, ҳар бир объектни сотишда ҳудудга инвестиция жалб қилиш ва маҳалла учун янги иш ўрни яратиш биринчи ўринда туриши лозимлиги таъкидланди.

Шу боис, энди хусусийлаштириш дастурига объектларни киритиш, уларни сотиш ва инвестиция самарадорлигини таъминлашда ҳокимлар Давлат активлари агентлиги билан тенг масъул бўлиши белгиланди. Хусусийлаштириш доирасида бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган объектлар учун қолдиқ суммага ҳар йили 14 фоиз устама ҳисоблаш амалиёти ҳам бекор қилинади.

Йилнинг боши режаларни ишлаб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Ўтган йили қурилиш билан боғлиқ 2 миллион 600 мингдан зиёд аризанинг учдан бири рад этилгани, бу ҳолат ортда кўп ҳолларда коррупция ва ортиқча бюрократик ғовлар тургани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари бундай муаммоларга барҳам беришнинг энг самарали йўли рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш эканини таъкидлади.

Ҳозирги тизимда аҳоли ва тадбиркорлар аввал лойиҳалашга рухсат олиш, кейин архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ариза бериб, ойлаб вақт йўқотмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу икки хизматни бир босқичда кўриб чиқиш тажрибаси жорий этилгани ва натижада ҳужжатларни келишиш муддати 3-4 қарра қисқаргани маълум қилинди. Мазкур тажрибани 1 июндан бошлаб барча ҳудудларда

жорий қилиш топширилди.

Коммунал тармоқларга улаштириш бўйича техник шарт олишда ҳам аҳоли ҳар бир идорага алоҳида мурожаат қилишига тўғри келмоқда. Энди 1 июндан битта ариза ва битта тўлов орқали электр, газ, сув ва канализация тармоқлари борасида техник шарт олиш имкони яратилади.

Сансалорликнинг яна бир сабаби сифатида жойларда шаҳарсозлик кенгашига аъзо 26 та идора ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик йўқлиги кўрсатилади. Шу муносабат билан шаҳарсозлик кенгашига Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимларининг ўзи бошчилик қилиши, тадбиркор масаласига яқуний ечим берадиган тизим жорий этилиши белгиланди.

Мутасаддиларга уч ой ичида қурилишга рухсат олишдан тўғри, объектни фойдаланишга топширишга бўлган барча жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, талаблар, муддатлар ва тўловларни камида икки баробарга қисқартириш бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди.

Қурилиш сифати ва назорат масалалари ҳам танқидий муҳокама қилинди. Ўтган йили қурилиш объектларида лойиҳачи ва бюртмачи назоратчилари томонидан 42 мингта камчилик, Қурилиш инспекцияси томонидан эса яна 250 мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланган. Бунга лойиҳачи ва бюртмачиларда муаллифлик ҳамда техник назорат бўйича манфаатдорлик пастиги сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис, жорий йил 1 июндан бошлаб давлат бюртмачилари фаолияти тўлиқ КРП асосида баҳоланиши, ходимлар ойлиги 3 қарра оширилиши белгиланди. Лойиҳа ҳужжатла-

рини ишлаб чиқиш учун объект қийматининг 5 фоизига маблағ ажратилади, муаллифлик назорати учун эса алоҳида шартнома асосида тўлов қилинади. Энди техник ёки муаллифлик назоратчиси масъул бўлган алоҳида тўхтаб қолган қоидабузарлик аниқланса, пудратчи билан бирга назоратчиларга ҳам қатъий чора қўрилади, лойиҳачининг "Шаффоф қурилиш" даги рейтингини пасайтирилади.

Йилнинг боши режаларни ишлаб чиқишда амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳам алоҳида тўхтаб қолган қоидабузарлик аниқланса, пудратчи билан бирга назоратчиларга ҳам қатъий чора қўрилади, лойиҳачининг "Шаффоф қурилиш" даги рейтингини пасайтирилади.

Мутасаддилар ва бюртмачи вазирилик-идоралар халқаро молия ташкилотлари билан музокараларда маҳаллий қурувчилар имкониятларини етарлича химоя қилмаётгани, шартнома шартларини белгилашда уларнинг манфаатини қўзғалаётгани, халқаро тендерларда иштирок этиш шартларини ўргатиш бўйича тизимли иш олиб бормаётгани танқид қилинди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини таъминлаш масаласи доимий диққат марказида бўлиши шартлиги таъкидланди. Сўнгги йилларда 56 та "Янги Ўзбекистон" массиви инфратузилмаси учун 4 триллион 100 миллиард сўм ажратилган, жорий йилда эса ушбу мақсадлар учун яна 1 триллион 400 миллиард сўм йўналтирилмоқда.


Соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар бу йил мазкур массивларда 34 минг хонадонни қуриб битказиши шартлиги қайд этилди. Қурилиши давом этаётган массивларни кенгайтириш фақат ўша ҳудуддаги кварталларнинг камида 85 фоизи эгаларига топширилганидан кейин рухсат этилиши белгиланди.

Умуман, жорий йил ҳудудларда 140 минг хонадонли кўп қаватли уйлари фойдаланишга топшириш зарурлиги таъкидланди. Бунда реновацияга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги билдирилди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва креатив муҳитни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Архитектор, лойиҳачи ва урбанистика соҳаси учун биринчи креатив паркни Тошкент шаҳрида ташкил қилиш, кейинчалик бундай паркларни ҳудудларда ҳам барпо этиш ишларини бошлаш топширилди. Бундан ташқари, янги ўқув йилдан урбанизация, кадастр ва геодезия соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган, ўзини ўзи молиялаштирувчи олийгоҳ фаолияти йўлга қўйилади. Унинг таркибига ўрта бўғин мутахассислари учун техникум ҳам ташкил этилади.

Йилнинг боши режаларининг ҳисоботларини тинглади. Қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг таклиф ва ташаббуслари эшитилди.

ЎЗА



(Боши 1-саҳифада)

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг лалми ер шароитида етиштирилган буғдой жазирама кўш нурлари ва самарали ҳарорат таъсирида кўп миқдорда сифатли оқсил ва клейковина тўлаш хусусиятига эга. Дунёда фан ва технологиялар ривожланиши билан олим-селекционерлар, уруғ етиштирувчилар ҳамда жойлардаги фермер, ишлаб-чиқарувчиларнинг рақобатбардорлигини ошириш зарурати туғилмоқда. Буғдой ҳақидаги билимлар ва етиштириш технологияси тамойиллари рақобатбардорликнинг пойдевори бўлиб, буғдой дони сифатини яхшилаш ва ҳосилни янада кўпайтиришда бирламчи аҳамиятга эга. Экиладиган буғдой навлари қуйидаги кўрсаткичларга қараб тавсифланади: уруғ экиш муддатлари, доннинг қаттиқлиги, дон сифати ва ун синфи.

Экиш муддати бўйича буғдой навлари икки гуруҳга бўлинади: кузги ва баҳорги буғдой. Одатда, кузги буғдой сентябрь ва октябрь ойларида экилади, ҳосил йиғиштириш эса минтақа ва нав хусусиятларига қараб июнь, июль ва август ойларида амалга оширилади.

Тиним даври – гуллаш жараёни бошланиши учун зарур шарт бўлиб, бунда майсалар узок вақт давомида паст ҳарорат таъсирида бўлиши керак. Бу ирсий белги бўлиб, кузги буғдойнинг гул меристемаси эрта ривожланиши ва совуқдан зарарланишининг

олдини олади. Ўсимликларнинг яровизацияга реакцияси икки омилга боғлиқ: ҳарорат таъсири ва яровизация даврининг давомийлиги. Яровизация ўсимлик меритизими баҳорги вегетация босқичига етганда яқунланади.

Яровизация жараёнида иштирок этадиган учта ҳарорат diapazonи ажратилади:

- Минимал: одатда -1,3 дан -4°C гача бўлган ҳарорат, бундан паст ҳароратда яровизация жараёни содир бўлмайди;

- Оптимал: ўртача кўрсаткич 3 дан 10°C гача, юқори самарадорлик эса 4,9°C да кузатилади;

- Максимал: бундан юқори ҳароратда яровизация жараёни тўхтайдди. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, яровизациянинг аниқ чизиқли реакцияси 0 дан 8°C гача бўлган ҳароратда кузатилади. Кузги буғдойнинг сифатли яровизацияси учун оптимал ҳароратнинг 50 кун давомида таъсир қилиши зарур деб қабул қилинган. Ушбу давр яровизация реакциясининг тўғрилиги тўғрисида "самарали кунлар", деб аталади.

Баҳорги буғдойнинг кузги буғдойдан фарқи шундаки, баҳорги буғдойда гуллаш бошланиши учун паст ҳарорат таъсири (яровизация) талаб этилмайди. Баҳорги буғдой январ ва феврал ойларида экилади, ҳосил эса



августда йиғиштириб олинади. Иқлим шароитига қараб вегетация даври 120 кундан 180 кунгача давом этади. Одатда, баҳорги буғдой гуллаши учун 5-15 кун давомида 7°C дан 18°C гача бўлган ҳарорат тебраниши кифоя қилади.

Қаттиқ донли буғдой оқсил миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради. Нонбоп ун навларини олиш учун жуда мос келади. Крахмал донлари қаттиқ бўлиб, янчиш жараёнида сочилиб кетмайди.

Юмшоқ донли буғдой юмшоқ эндоспермга эга, крахмал донлари эса янчиш жараёнида яхши майдаланади. Бисквит ва печенье пиширишда ишлатилади. Бундан ташқари, клейко-

винага бой, тўқ рангли қаттиқ донли буғдой навлари нон ёпиш ва макорон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу турдаги буғдой асосан Россия жануби, Шимолий Африка ва Шимолий Американинг шимолий-марказий қисмида етиштирилади.

Буғдой дон сифатига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I гуруҳ. Бу гуруҳдаги буғдой навлари юқори ун тортиш ва нон ёпиш хусусиятларига эга. Сифат талабларига жавоб бергани учун (оқсил миқдори 13%, HFN фермент фаоллиги кўрсаткичи – 250, солиштирма вазни 76 кг) I-гуруҳ унининг нархи ўртачадан юқори бўлади.

БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

II гуруҳ. Бу гуруҳга турли хил буғдой навлари киради, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам нон ёпиш учун мос келмайдилар. Баъзи навлар I гуруҳга нисбатан етарлича қаттиқ эмас, бошқалари жуда юмшоқ, унчилари эса сифатли ун ишлаб чиқариш учун тўлиқ яроқлидир.

III гуруҳ. Бу гуруҳга юмшоқ буғдой навлари киради. Улар печенье, қандолат маҳсулотлари ва бошқа турдаги унлар ишлаб чиқариш учун мос ҳисобланади. Бунда асосий талаблар: юмшоқ янчилиш хусусияти, паст оқсил миқдори, уннинг яхши ажралиши ва эластик бўлмаган, аммо яхши чўзилувчан клейковинадир.

IV гуруҳ. Бу буғдой навлари асосан чорва озуқаси (ем-хашак) мақсадларида етиштирилади.

Ҳар бир гуруҳдаги буғдойдан нон ёпиш соноати учун ун ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Умумий мақсадлар учун мўлжалланган ун турлари ичида энг кенг қўлланиладигани ҳисобланади. Бу ун буғдой донининг эндосперм деб аталадиган, майин янчилган қисмидан олинади. Умумий мақсаддаги ун қаттиқ ва юмшоқ буғдой навлари аралашмасидан тайёрланади ва хамиртурушли нон, кекс, қуруқ печенье ҳамда булочкалар каби турли пишириқларда ишлатилади. Нон ёпиш ун нон ва булочка маҳсулотларини

соноат миқёсида ишлаб чиқаришда қўлланилади. Умумий мақсаддаги унга ўхшаш бўлса-да, клейковина (оқсил) миқдори юқорилиги билан ажралиб туради.

Юмшатовчи қўшимчали ун таркибида туз ва хамир юмшатовчи қўшимчалар бўлган ундир. Одатда, бундай ун бисквит ва печенье тайёрлаш учун ишлатилади.

Қандолатчилик уни – юмшоқ буғдой навларидан олинадиган, оқсил миқдори паст ва майин янчилган ун. У турли хил пишириқлар: тортлар, печенье, бисквитлар ва бошқаларни тайёрлашда ишлатилади. Қандолатчилик унда крахмал фойзи нон ёпиш унга қараганда юқори, оқсил фойзи эса пастроқ бўлади.

Манний ёрмаси қаттиқ буғдой навларининг (дурум) йирик янчилган эндоспермдир.

Қаттиқ буғдой бу оқсил миқдори жуда юқори бўлган қаттиқ буғдой навидир. Бу хусусият уни юқори сифатли лапша (макарон) ва кускус тайёрлаш учун идеал хомашёга айлантиради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёда қаттиқ буғдой навларининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 25-30 миллион тоннадан ташкил этади. Бу жаҳондаги умумий буғдой етиштиришининг 4 фоизига тенг. Унинг улушини республикамизда ошириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Мусо АШУРОВ,
Насиба МАВЛОНОВА,
ТДАУ доцентлари.

“Ўзбекистон – Нидерландия”

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СИМПОЗИУМИ

Яқинда Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон ва Нидерландия ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Мазкур тадбир икки давлат ўртасидаги аграр ҳамкорлик тарихида муҳим босқич сифатида эътироф этилди.



ҳамкорлик Марказий Осиёда аграр инновацияларни жорий этишда муҳим ўрин тутади.

Алоҳида қайд этилганидек, Нидерландия қишлоқ хўжалигида инновацион ёндашувлар ва юқори самарадорлик бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон эса бой аграр салоҳияти ва кенг имкониятла-

ри билан мазкур тажрибани самарали ўзлаштириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Шу нуқтага назардан, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, уруғчилик тизимини ривожлантириш, иссиқхона хўжаликларини модернизация қилиш, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, агротехнологияларни кенг жорий этиш



ҳамда қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фан йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш-

ни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқаро ҳамкорлик, хусусан Нидерландия билан алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамлар ҳам ҳамкорлик-

нинг ижобий динамикасини яққол тасдиқлайди: 2024 йилда ўзаро савдо ҳажми 3,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 8,3 миллион долларга етди.

Симпозиум доирасида қатор муҳим келишув ва меморандумларни имзолаш, шунингдек, аниқ лойиҳалар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришилгани томонлар ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбир доирасида ўтказилган Б2Б учрашувлар, тақдимотлар ва музокара-лар натижасида янги қўшма лойиҳаларни шакллантириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳамда илғор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Мазкур ҳамкорлик лойиҳалари натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспорт ҳажминини кенгайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга эришиш кутилмоқда.

Келгусида ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, илмий ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар изчил давом эттирилади.

Мазкур халқаро симпозиум Ўзбекистон ва Нидерландия ўртасидаги ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, аграр соҳада инновацион ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратган муҳим воқеа сифатида баҳо-ланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

Симпозиум Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Нидерландия Қироллигига амалга оширган ташифи давомида эришилган келишувлар ижросининг амалий ифодаси бўлиб, ўзаро ишонч ва манфаатларга асосланган стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Тадбир давомида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, илм-фан ва амалиёт интеграциясини кучайтириш, шунингдек, янги инвестицион лойиҳаларни шакллантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Тадбир ўзаро тажриба алмашиш, илғор ечимларни муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш учун самарали платформага айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур ҳамкорлик узоқ муддатли ва стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар. Мутахассислар фикрича, ушбу

ЖУТ - Калькутта канопи жўкадошлар оиласига мансуб луб топали бир йиллик ўсимлик бўлиб, Ҳиндистон, Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Австралиянинг тропик ва субтропик минтақаларида ўсади. Унинг юзга яқин тури бор. Асосан, Осиё мамлакатларида топаси учун бир йиллик 2 тури - чўзиқ ва йирик мевали турлари экилади. Жут топаси етиштириш ҳажми дунёда ишлаб чиқариладиган ўсимлик топалари ичида пахта топасидан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг қуруқ пояси (пўстлогидан) 20-25 фоиз юқори гигроскопик пишиқ топа чиқади. Жут топасидан тўқимачилик маҳсулотлари, гиламлар, қоп, арқон, техник ва ўров газмоллари, жун, пахта топалари билан аралаш топаларидан кийим-кечак газмоллари тайёрланади.



ЖУТ ЭКИНИНИНГ ДАЛА ШАРОИТИДАГИ УНУВЧАНЛИГИ ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИЛДИ

Жутнинг пояси 2,5-3,5 метр баландликкача ўсиб, учки қисми шоҳланиб 3-4 та мева шоҳча ҳосил қилади. Илдизи ўқ илдизи бўлиб, тупроққа 1-1,5 метргача кириб боради. Меваси қовурғали кўсакча, чўзиқ (5-10 см.), уруғи майда бўлиб, 1000 донасининг оғирлиги 1,5-2 г., тола узунлиги 2-3 метр бўлади. Алмашлаб экиш. Беда, дуккакли дон экинларидан кейин кузги шудгор қилинган майдонларга экилади. Тола олиш учун кўш қатор-лаб 60x12-13, 50x20 см. схемада, гектарига 12-14 кг. уруғ экилади. Амал даври давомида 5-8 марта сўғорилади, сўғориш меъёри 5000-7000 м³/га. Техник жиҳатдан етилган 50 фоиз ўсимликда 1-2 кўсакча ҳосил бўлганда тола учун ўрилади. Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Судан, Мали, Мисрдан келтирилган 10 хил 2 та навининг дала шароитидаги унувчанлиги Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўрганилди.

Тадқиқотлар дала шароитида олиб борилди. Уруғларнинг унувчанлиги нафақат экиш сифати, балки экологик, агротехник ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган мураккаб кўрсаткичдир. Уруғларнинг унувчанлиги экиннинг қўчат қалинлигига, ўсимликларнинг бир йўла қийғос ривожланиши ҳамда бошқа белгиларига сезиларли таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Зеро, уруғлик бўлажак ўсимликнинг биологиясини жам-

лаган ҳолда нав хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Шу сабаб деҳқончилик тарихида уруғлик сифатига катта эътибор бериб келинган. Ҳарорат ўсимлик уруғларининг униб чиқиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кўпчилик экинларнинг уруғи юқори ҳароратда униб чиқа бошлайди, аммо айримлари муайян ҳарорат оралиғида яхши униб чиқади. Жут ўсимлигининг уруғлари 16-18° да униб чиқади. Экиш чуқурлиги

фоиз бўлиб, юқори кўрсаткич Ҳиндистондан келтирилган чўзиқ мевали “Corchorus olitorius” навида 85,5 фоизни ва Судан давлатидан олиб келинган чўзиқ мевали “Corchorus olitorius” навида 77,3 фоизни ташкил этди. Энг кам унувчанлик Мисрдан келтирилган чўзиқ мевали навада кузатилиб, 52,2 фоизни ташкил этди. Тажрибанинг 2-ва 4-вариантларида йирик мевали “Corchorus capsularis” жут нави ҳам экилган бўлиб, унувчанлиги 75,4-69,6 фоиз

Жут навларининг дала шароитидаги унувчанлик динамикаси, 2025 йил.

Вариантлар	Уруғларнинг ўртача униб чиқиши							
	1 п/да, дона				1 п/м да фоизда (%)			
	27.04	30.04	03.05	06.05	27.04	30.04	03.05	06.05
1-вариант	32	43	54,3	60,0	38,5	51,8	65,4	72,3
2-вариант	21	31,7	52,0	56,7	25,3	38,2	62,6	75,4
3-вариант	14,3	25,3	46,0	59,3	17,2	30,5	55,4	66,7
4-вариант	17,0	33,3	48,0	61,7	20,5	40,1	57,8	69,6
5-вариант	11,7	31,3	53,3	62,0	14,1	37,7	64,2	77,3
6-вариант	14,7	23,7	27,7	48,6	17,7	28,5	33,4	58,5
7-вариант	7,0	20,0	34,3	46,4	8,4	24,1	41,3	55,9
8-вариант	14,0	34,0	43,3	49,3	16,8	40,9	52,2	59,4
9-вариант	47,5	41,7	47,0	71,0	57,2	50,2	56,6	85,5
10-вариант	14,0	31,0	36,0	40,3	16,8	37,3	43,3	52,2

тупроқ турига қараб, 3-4 см. бўлиши керак.

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида жут уруғлари апрел ойининг иккинчи ярмида, гектарига 12 кг.дан экиди. Уруғлар тупроққа сепилганидан сўнг 10-12 кунда униб чиқа бошлайди. Уруғлар унувчанлиги ҳар уч кунда аниқлаб борилди. Тупроққа қадалган уруғ 19-20 кунда тўлиқ униб чиқди.

Уруғнинг униб чиқишига экиш муддати, меъёри ва турли препаратларнинг таъсири бўлиб, навлар ўртасида ҳам фарқланади. Тажриба учун ўн хил хоржий навлари экилди. 06.05.2025 йил ҳолатида вариантлар бўйича унувчанлик 52,2-85,5

бўлиб, чўзиқ мевали “Corchorus olitorius” навидан 10,1-19,9 фоизга кам бўлди. Демак, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида хоржий жут навларидан макбул қўчат қалинлигига эришиш учун Ҳиндистон ва Судан давлатидан келтирилган чўзиқ мевали “Corchorus olitorius” нави ҳамда Хитойдан келтирилган йирик мевали “Corchorus capsularis” навларини экиб, парваришлаш тола учун юқори хомашё олишга замин яратади.

Бекзод УМАРХОДЖАЕВ, Толали экинлар илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори.

Вариантлар	Каталог рақами	Давлат номи	Нав номи
1-вариант	К-153	Ҳиндистон	Corchorusolitorius
2-вариант	К-130	Хитой	Corchoruscapsularis
3-вариант	К-156	Сурия	Corchorusolitorius
4-вариант	К-139	Хитой	Corchoruscapsularis
5-вариант	К-150	Судан	Corchorusolitorius
6-вариант	К-160	Мали	Corchorusolitorius
7-вариант	К-158	Мали	Corchorusolitorius
8-вариант	К-159	Мали	Corchorusolitorius
9-вариант	К-154	Ҳиндистон	Corchorusolitorius
10-вариант	К-144	Миср	Corchorusolitorius

Эълонлар

“LOMBARD SITORA SARMOYA” МСҲЈнинг баланс ҳисоботи 2025 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТИКЛАР	нинг сўмда
АКТИВЛАР		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	168 337
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа мобиллар	1894 106
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойдалар	117 799
50	Кредитлар (микроредит, микроқарз, истеъмо), брутто	3 499 976
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	3 499 976
80	Асосий воситалар, соф	4 716
110	Бошқа активлар	98 287
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	5 783 200
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ		
МАЖБУРИЯТЛАР		
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	87 042
270	Бошқа мажбуриятлар	18 666
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	105 708
КАПИТАЛ		
310	Устав капитал	1345 000
330	Захира капитал	202 133
331	а. Умумий захира фонди	201 750
332	б. Бошқа захира ва фондлар	383
340	Тақсимланмаган фойда	2 102 943
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	2 027 417
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	5 677 492
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	5 783 200

КОД	КЎРСАТИКЛАР	нинг сўмда
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎҲРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ		
1. ФИЗИЛИ ДАРОМАДЛАР		
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроразрлар) бўйича физики даромадлар	2 722 827
180	Жами физики даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	2 722 827
2. ФИЗИЛИ ХАРАЖАТЛАР		
270	Жами физики харажатлар (210+220+230+240+250+260)	0
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФИЗИЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)	2 722 827
320	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф физики даромадлар (310-320)	2 722 827
4. ФИЗИСИС ДАРОМАДЛАР		
460	Бошқа физисиз даромадлар	398 773
470	Жами физисиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	398 773
5. ФИЗИСИС ХАРАЖАТЛАР		
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	114 472
550	Жами физисиз харажатлар (510+520+530+540)	114 472
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	3 007 128
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР		
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	411 256
720	Ижара ва таъминот харажатлари	154 585
740	Мамурий харажатлар	23 061
750	Репрезентация ва хайрия	9 000
760	Эскириш харажатлари	1829
770	Сувурта, солиқ ва бошқа харажатлар	20 612
780	Жами операцион харажатлар (710+720+740+750+760+770)	620 343
800	8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900	9. ФОЙДА СОЛМИ ВА БОШҚА ТУЗАТИЛАРГА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	2 386 785
10. Фойда солиғи		
1000	Фойда солиғини баҳолаш	359 368
1100	11. ТУЗАТИЛАРГА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	2 027 417
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100-1110)	2 027 417

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги “SMART AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган. Ушбу ташкилот Тошкент шаҳар Олмасор тумани Давлат хизматлари агентлиги томонидан 2019 йил 19 августда 753202-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Лицензия №00838 Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда берилган. Уларнинг фикрига кўра, илова қилинаётган молиявий ҳисобот “LOMBARD SITORA SARMOYA” МСҲЈнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий аҳолини, шунингдек, бир йиллик молиявий натижаларини миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ишончи акс эттиради.

05-01/1775 рақами билан 1993 йил 21 январда Кабанова Раиса Михайловна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
“NADEJDA FARM” ХК (СТИП: 309540707) сотилади. Даъволар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун давомида +998 90 9738960 ва +998 97 7310380 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузурдаги Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби томонидан Азимов Фахриддин Хамроевич номига 2024 йил 18 январда берилган РМ № 0000334 рақамли Магистр дипломи йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Цикадалар (халқ тилида - саратонлар) келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимги ва ҳозирги даврда жадал қўлайиб бораётган ҳашаротлар гуруҳидир. Кузатишларимизга кўра, Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида цикаданинг 208 тури, Зарафшон водийсида 207 тури, Фарғона водийсининг шарқий қисмида 236 тури, юртимиз жанубида эса 173 тури учрайди. Айрим ҳудудларда бу борадаги вазият етарли ўрганилмаганлиги сабабли бу ҳашаротларнинг республика бўйлаб умумий тарқалиш даражаси тўлиқ маълум эмас.




Алевтина КОЖЕВНИКОВА,
Биология фанлари доктори,
Тошкент давлат аграр университети
"Ўсимликлар ҳимояси ва карантин"
кафедраси профессори.

ЦИКАДАЛАРНИ ЙЎҚОТИШ ЧОРАСИ ЙЎҚ ЭМАС

қолишига сабаб бўлади, чунки улар ўз тўқималарини қуриш учун зарур бўлган озиқ моддалардан маҳрум бўлади. Цикадалар ана шу зараркуналлик хусусиятига кўра айниқса, ёш ниҳоллар ўсишини тўхтатади, эзади ва нобуд қилади.

Цикадалар турли даражада бўлсада, деярли барча қишлоқ хўжалиги экинларини зарарлайди. Зарарланган ўсимликни аниқлаш осон. Цикадалар гўза, беда, ловия, мош, нўхат, лавлаги, помидор, маккажўхори, жўхори, олма, шафтоли ва бошқа ўсимликларнинг барларида озиқланганда оқиш, нотўғри шаклдаги кичик доғлар ҳосил бўлади ва улар бирлашиб, ўсимликнинг ассимиляция юзасини жуда кичрайтиради.

Ҳалла ўсимликлари зарарланганда ўсимликлар чала ривожланади, яхши



бошоқламайди ёки ривожланишдан тўхтаб, буткул бошоқсиз бўлиб қолади. Ургочи цикадалар тухум қўйиш даврида ўсимликларнинг вегетатив қисмларини шикастлайди. Кўпчилик турлари ўсимликларга хавfli вирусларни юқтиради. Кам сонли индивидлар томонидан юқтирилган вирусли касалликлар тарқалиб, ҳосилни бутунлай йўқ қилиши мумкин. Зараркуналдалар сонини камайтириш



ва кўпайиб кетишининг олдини олиш учун далалардаги ва уларнинг атрофидаги бегона ўтларни йўқ қилиш керак, чунки бу ҳашаротлар учун кўпайиш мавсумида айнан бегона ўтлар ўзига хос маскан ва зифасини бажаради. Цикадаларга қарши курашни ташкил этишда шуни ҳисобга олиш керакки, кузги экинларнинг майсалари цикадаларнинг вояга етган фазасида қишлаб, тухум қўядиган турларининг тўпланиб, оммавий кўпайиши учун оптимал қўлайлик яратади.

Бундан ташқари, куз ойларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили йиғиб олингандан сўнг, цикадалар бедазорларда тўпланади, чунки у ерда озиқланиш ва қишлаш учун қўлай шароит топади. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига цикадалардан келадиган зарар иқтисодий чегарасидан ошиб кетганда, ўсимликларга Ўзбекистонда қўлланган руҳсат этилган кимёвий препаратлар билан ишлов берилади. Ҳимоя чоралари самарадорлигини таъминлаш учун энтомофаглардан фойдаланиш тавсия этилади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Ҳаёт соғлом фикрлилик, тўғрилиқда, яхши ният-мақсадлараро ўтгандагина, мазмунли ва чиройлидир. Бир дақиқаси ҳам ортга қайтмас умр асли имкон, унинг ҳам қандай ўтказилгани хусусида кун келиб Яратган хузурида ҳисоб беришга мажбурмиз. Биз ота-оналар эса нафақат ўзимиз, балки фарзандларимиз, қарамоғимиздаги ёшлар ҳаёти учун ҳам масъулмиз. Бугунги турли таҳдидлар авж олган бир даврда бу масъулият бир неча баробар ортомқда.

РУҲИЙ ҚАРАМЛИКДАН ЖИНОЯТГАЧА...



Афсуски, кейинги пайтларда ёшларимиз орасида кучли таъсир қилувчи ва таркибида психотроп моддалар мавжуд бўлган дори восталарига ружу қўйиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Жуда кўп мамлакатларда гиёҳвандлик воситалари билан бирга психотроп ва психофаол моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони охири боряпти ва яна афсуски, бу иллат бизга ҳам бегона эмас. Бу балонинг ёшлар орасида оммаланиши жуда хавfli. Айрим ёшлар дастлаб тўқликка шўхлик қилиб, ўзини чалғитиш маъносидан бошқалар эса ўзи билмаган ҳолда – алдовлар натижасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар қурбонига айланиб қоляпти. Ёшларнинг ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит, бепарволик, эътиборсизликни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин. Мамлакатимизда барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Бироқ ёшлар орасида синтетик гиёҳвандлик воситалари ва "енгил наркотик" сифатида оммаланиб бораётган дори-дармонлар истеъмолга чек қўйиб бўлмапти. Негаки, ёшларни дунёқароши эндигина шаклланиб бораётган бир пайтда, уларни алдов йўллари билан гиёҳвандлик домига интиратётганлар жуда кўп. Улар моддий манфаатдорлик мақсадида оғуни вояга етмаган ёшлар орасида тарқатиб, унинг истеъмолини тарғиб қилишмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар, энг аввало, инсон миёсасини бузади: аввалига "бахт гормони" деб аталган дофаминни сунъий кўпайтириб, юзакки лаззат ҳиссини беради. Бир неча дақиқалик "фароғат" туйғусидан кейин эса, азобли занжир қисми бошланади: юрак ва қон томир тизими бузилиши натижасида қон босими кескин ўзгариб, томирлар тортилади, юрак "чарчаб" ишдан чиқади, жигар ва буйрак фаолиятини сусайтиради, иммунитетни заифлаштиради, организмнинг вирус ва бактерияларга қарши курашиш қобилиятини пасайиб, энг кичик инфекция ҳам оғир хасталикларни келтириб чиқаради. Энг ёмони, гиёҳвандлик инсон руҳини сўндиради, у оилага муҳаббатни, ота-она

қадрини, яқинлар меҳрини, ҳаёт мазмунини ҳис этмай қўяди. Ана шу руҳий қарамлик уни жиноятга етаклайди: пул учун на ўғирликдан, на фирибгарликдан, на хиёнатдан – ҳеч нарсадан тап тортмайди.


Унутмайликки, гиёҳвандликка қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши эмас, бунга бутун жамият бирдек масъул. Динимизда ҳам гиёҳвандлик, маст қилувчи моддалар истеъмоли таъқиқланади. Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қилганлар: "Маст ва ақлни қарахт қилувчи ҳар бир нарса ҳаром" экани ҳақида оғоҳлантирганлар. Ибн Сирийн (рахматуллоҳи алайҳ) "Ўзини ҳалокатга отиш Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидсизлик белгисидир", деганлар. Имом Бухорий ривоят қилган қудсий ҳадисда эса Аллоҳ таоло бундай марҳамат этган: "Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим".

Динимизнинг бу қабиҳ иллатга кескин муносабати гиёҳвандликнинг инсон жисми, руҳи, насли ва ахлоқига катта зарар етказиши туйғайди. Гиёҳвандлик йўлига кириб қолганлар яхшини ёмондан, фойдани зарардан ажрата олмай қолади. Улар нафсларини бир мартагина қондириш учун ҳар қандай мудҳиш жиноятга қўл уришга тайёр туришади. Гиёҳвандликнинг зарари уларнинг ўзларигагина эмас, келажак авлодларига, зурриётларига ҳам катта зарар етказиши, уларнинг фарзандлари кўпинча майиб-мажруҳ, ақли ноқис, руҳий хаста ва абгор бўлиб туғилади. Шугина эмас, гиёҳвандлик жамиятда илмини ҳам, маърифатини ҳам, умуман олганда, барча инсоний қадриятларини ҳам яқсон этади. Демак, бу хавfli иллатнинг олдини олишда барчамиз – давлат ва жамоат органлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва ота-оналар ҳамжиҳат ҳаракат қилмоғимиз керак. Зеро, соғлом ёшлар миллатнинг бебаҳо бойлиғидир.

Ҳайитали ТҮЙЧИЕВ,
Улуғнор туманидаги
"Мингбулоқ" жомеъ масжиди
имом-хатиби.

Сунъий интеллект ЖУРНАЛИСТ ИЖОДКОРЛИГИНИНГ КУШАНДАСИМИ?

Бошқа соҳалар қатори журналистикага ҳам сунъий интеллект технологиялари жадал суръатларда кириб келди. Баъзи репортёрлар янгиликлар, хабарлар ёзиш ва ҳатто олинажак интервью учун саволлар тузишда ҳам чатботлар ёрдамига таянмоқда. Шу ўринда савол туғилади: сунъий интеллект журналист ижодкорлигини ўлдириб қўймайтимиз?



Бир томондан, сунъий интеллект журналист ижодкорлигини чеклаб қўяпти дейиш ҳам ҳатодек. Биласизки, журналистлар кўп вақтини техник вазифаларни адо этишга сарфлайди: статистик маълумотлар йиғиш, анализ қилиш, факт-чекнинг шулар жумласидан. Ақлли кўмакчи эса жараённинг кечуви-ни тезлаштиришга хизмат қилади. Оқибатда, муаллиф бор диққат-эътиборини материал тайёрлашга қаратади: кўтарилган масаланинг моҳиятини очиб бериш, "сабаб – оқибат" занжирини таҳлил қилиш, муаммони ўртага қўйиш, мушоҳада юритиш ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, ҳаддан ташқари сунъий интеллект кўмакчига эҳтиёж сезиш журналистнинг ижодкорлик қобилиятига даҳл қилиши мумкин. Чатботлар кўпинча интернет тизимида мавжуд бўлган маълумотларни қайта ишлайди. Сирасини айтганда, сизга мутлақ ва мутлақ янги фикр, гоё тақдим этмайди. Тадқиқотчи, журналистлар томонидан ёзилган материалларни генерация қилади. Юборилган "промпт" (яъни чатбот бажариши лозим бўлган вазифа)га мос жавобни ҳозирлайди. Натижада стандарт, ўхшаш, такрорий фикрлардан иборат бўлган материаллар юзга келади. Агар журналист сунъий интеллектга боғланиб қолса, журналистларнинг мавзуга нисбатан ёндашуви бирихиллашиб кетади. Алаҳқусус, оригиналлик камаяди. Халқимизда "асалнинг ҳам ози ширин", деган нақл бор. Сунъий интеллектдан фойдаланиш айбли иш ёки хато, камчилик эмас. Меъёрни унутмасак бўлгани. Акс ҳолда, на мантқиқий изчиллик, на ўзига хос ифода услубига эга бўлган "стандарт" журналистик асарлар медида урчиб кетади.

Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.



"Ҳар қандай янгилик — УНУТИЛГАН ЭСКИЛИК"

Ҳаммага таниш отасўзимизни сарлавҳага олиб
чиққанимиз беҳудага эмас. Айтмоқ бўлганимиз...

Пахта маданий ўсимлик сифатида Хоразмда икки минг йилдан буён экилиб келинмоқда. Хонлик замонларида пахта элнинг эҳтиёжи учун оз майдонларда етиштирилган. Чор Русияси босқинидан кейин пахта зарур манифактура хомашёси сифатида кўплаб майдонларга экила бошлаган ва вақт келиб "олти миллион тонна учун кураш" билан ниҳоясига етган...

Қадим замонларда чигит қозиргидек махсус мосламаларда эмас, қўлда экилган. Бунда арқон тортиш орқали қатор ҳосил қилинган. Ҳатто пахта чорва озуқаси каби сепиш усулида экилиб, парваришлангани маълум. Ўша вақтда пахтанинг Мисрдан келтирилган нисбатан кечпишар навлари (пахтанинг "амирқон" нави юртимизга ўн тўққизинчи аср охирида кириб келган) экилгани сабаб миришкор деҳқонлар бир мавсумда кўшимча даромад олиш учун пахта қатор ораларига эртапишар сабзавотлар ҳам экишган. Сабази, пиёз ҳосилни ҳали ёз бошламасида йиғиштириб олиб (бу пайтда гўза бўй тортиб, тагига экилган сабзавотларга соя ташлашга улгурмаган) пояларидан пахта учун ўғит сифатида фойдаланишган. Айрим деҳқонлар илқидаги бир неча таноб ерга чигитни эканларидан ораликда ярим метрча ер

қолдириб, ўша ерга эртапишар қовун уруги қадашган. Қовунни июнь ойларида йиғиштириб олган, палагини гўза тагига кўмиш орқали табиий минерал ўғитга айлантиришган. Бу тажриба бир мавсумда бир даладан икки марта ҳосил кўтариш имконини яратган. Воҳалик деҳқон ҳар бир қарич ердан унум билан фойдаланиш ҳадисини олган.

...Ўтган аср адоғида жамоа хўжаликлари пахтани ижара асосида етиштириш тажрибасини қўлади. Бир-икки гектар ерни мавсумда ижарага олиб, чигит экан хонадон эгалари ўша пайтда қадим тажрибани қайта қўллашди. Улар пахта қатор ораларига сабази, пиёз, турп ва ҳатто эртапишар қовунлар экишди.

Кўшимчимиз уч гектар ерда ижара асосида пахта етиштириб, қатор ораларига эртапишар сабзавот экиб, ёз бошламасида мўмай пулга сотиб, улов олганини ҳали ҳамон айтиб юради.

Тўғри, ижара асосида пахта етиштирилган хонадонлар белги-ланган режани удаллашди ва яна қатор ораларига сабзавот ва бошқа тезпишар экинлар экиб яхшигина даромад ҳам қилишди. Аммо, қадим боболардан мерос бу тажриба раҳбарларга ёқмади. Улар кейинчалик ижарага олинган ерларни назорат қилиб,

оралигида экилган сабзавотларни буздириб ташлашди.

БУНДАН КИМ ЮТҚАЗДИ?

Бу тажриба фермерлик ҳаракатига йўл очилган илк даврларда ҳам озми-кўпми кузатилди. 10-15 гектар майдонда деҳқончилик қилган фермерлар тўқсон сантиметрлик ораликда экилган гўза қатор ораларига оралик экинлар экишди, аммо бунга ҳам тезда чек қўйилди.

Ҳозирда фермерлар пахта майдонлари четларига экин экишмас, жаримага тортилиши қонулаштирилган. Гўза қатор ораларига тезпишар сабзавотлар экиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас!

...Буларни эслатишимизга яқинда фермерлардан бири гўза қатор ораларига зира экиш тажрибасини бошлагани ҳақида "ойнаи жаҳон"даги хабар сабаб бўлди. Фермеру мутахассислар бу усулда деҳқончилик қилиши "янгилик" деб, роса алқашди. Гўёки, бу усулда деҳқончилик қилиш тамомла янгилик бўлиб, фермерларга кўшимча даромад топишга ёрдам беради.

Узоғини айтмай турайлик, атиги бир аср илгари амалиётда бўлган деҳқончилик тажрибасидан беҳабарлик эмасми бу?

Рўзимбой ҲАСАН

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi - 144.

Buyurtma G-417. 1140 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mаpкс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar - (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



4 7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7

Bosishga topshirish vaqti: 21:00
Bosishga topshirildi: 19:00